# МУСТАҚИЛЛИК — ЯККАЛАНИШ ЭМАС

(Давоми. Боши 1-бетда).

**қа пойтахтларидаги асосий эҳтиёж молларига бўлган нарх-навони босиб чиқаришади. Бу маълумотларда биздаги аҳвол яхшидай кўринади. Бунга нима дейсиз?**

— Гапингизни тушундим. Ахборотнинг етарли эмаслигида Бош вазир ўринбосари сифатида менинг ҳам айбим бор. Бизда энг кам иш ҳақи 11 минг 250 сўмни ташкил қилади. Бу МДҲ мамлакатлари ўртасида энг юқори кўрсаткич. Бизга қандай айб қўйишяпти? Россияда ўртача иш ҳақи Ўзбекистондагидан бир неча марта баланд, дейишяпти. Бу гап тўғри. Аммо, биз миллионлаб пул топадиган бойваччалар турмушининг ўртача даражаси билан ҳисоблашмаймиз. Биз Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир кишининг эҳтиёжини тўла қондиришга ҳаракат қиляпмиз. Республикада ҳар бир киши иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинган. Бошқа республикаларда уятдан ерга қараганча қўл чўзиб турган одамларни кўрганингда юрагинг ачишади. Уларнинг бошига бундай қисматни ким солди?

Гап иқтисод тўғрисида кетар экан, мен Ўзбекистондаги вазиятни беморнинг операциядан кейинги ҳолати билан таққослагим келади. Ҳа, таназзул юз берган, хавфли белгилар пайдо бўлган эди. Ҳозир инқироз ортда қолди. Олти ой ичида сўнгги пайтларда биринчи марта миллий бюджетда салбий кўрсаткичдан қутилганимизга диққатингизни алоҳида қаратмоқчиман. Ҳа, бироз таназзул бўлган эди. Аммо, у атиги 1,5 фоизни ташкил этди. Бу салбий ҳол МДҲ мамлакатларидан олиб келинадиган хомашёнинг вақтида етиб келмагани туфайли юз берди.

Қийинчиликлар бор, бундан кейин ҳам бўлади. Аммо муҳими — Ўзбекистон тараққиётининг, республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб боришининг пухта ўйлаб тузилган иқтисодий дастури бор, яқиндагина хомашё манбаигина бўлган мамлакатимиз сифат жиҳатидан янги бир босқичга ўтмоқда — рақобатбардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган мамлакатга айланмоқда.

Мисоллар керакми? Марҳамат! Бундан бир неча йил муқаддам пахта майдонлари 2 миллион 400 минг гектарни ташкил этар эди. Келаси йил эса бу кўрсаткич 1 миллион 450 минг гектарга тушади. Аммо, ялпи ҳосил олдинги даражада қолади. Пахтадан бўшаган ерлар фермерларга жамоа мулки қилиб берилади. Ўтган ўн йилликлар давомида одамлар ердан узоқлашиб қолган эдилар. Энди ердан фойдаланишнинг ҳадисини олишди, уларда мўмай даромад қилиш истаги ҳам пайдо бўлди. Нима, бу ёмонми?

Бошқа бир муҳим муаммо — ёрдамчи соҳаларни ривожлантиришни олайлик. Кейинги икки йилда қишлоқларни газлаштириш ҳамда ичимлик суви билан таъминлашга шу қадар кўп маблағ сарфландики, кўплаб беш йилликлар давомида бунча маблағ ажратилмаган эди. Бунинг натижаси ҳам тезда кўзга ташланди. Ҳозир республика харитасига қарасангиз, унда газ, водопровод келтирилмаган, асфальт йўл қурилмаган қишлоқни топишингиз қийин...

**— Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоевнинг Алматида бўлиб ўтган яқиндаги учрашуви ҳамда ундан кейин Россия ва Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Москвадаги музокаралари жуда кўп масалаларни ойдинлаштирди. Асосий хулоса — Ўзбекистон рубль зонасида қолиб, Россия ва Қозоғистон билан ўзаро фойдали мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қилади. Хўш, давлатнинг ўз манфаатлари нима бўлади?**

— Шу айтганларингизнинг ўзи Ўзбекистоннинг давлат манфаатларидир. Фақат лақмаларгина биз ўзимизни ўз маҳсулотимиз билан тўла таъминлай оламиз, дейиши мумкин. Бу — бўлмаган гап. Бизнинг иқтисодий имкониятларимиз катта, республикада қудратли саноат ва қишлоқ хўжалиги базаси яратилган, албатта. Аммо, ўз қобиғимизда ўралиб қолишимиз — ўтказилаётган барча ислоҳотларни барбод қилиш демакдир!

Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев Алматидаги сўнгги учрашувларида минтақа бозорини яратишга қарор қилдилар. Бу жуда тўғри қарор бўлди. Теппа-тенглик шароитида ишлашимиз мумкин экан, Қозоғистон жуда қимматга тушадиган кимё саноатини ривожлантириши шартми? Биз уларга кимё маҳсулотлари, пахта, ипак берамиз, улар бизга гўшт билан ғалла беради. Ёки Россияда яхши тараққий этган оғир саноат бўла туриб, Ўзбекистон бу соҳа учун катта сармоя ажратиши тўғри бўладими? Кооперация йўлидан бориш яхшироқ-ку. Бутун маърифатли дунёда шундай қилинади. Ҳозир сунъий иқтисодий андозалар яратишга, бошқаларга хос бўлган ишлар билан шуғулланишга йўл қўйиб бўлмайди. Дунё бозорида барча ўринлар тўлиб бўлган. У ерга кириш учун рақиблардан яхшироқ, самаралироқ, сифатлироқ ишлаш керак бўлади.

Бизда бундай имкониятлар бор. Ўзимизнинг сабзавот, меваларимизни олайлик. Ғарбий Европадаги йирик фирмаларнинг вакиллари қўшма корхоналар тузиш таклифи билан республикамизга деярли ҳар куни келиб туришибди. Чунки, бизнинг сабзавот ва меваларимиз сифати, экологик тозалиги (биз аллақачон минерал ўғитлардан фойдаланишдан воз кечганмиз) жиҳатидан бошқа мамлакатлардаги сабзавот ва мевалардан устун туради. Гап фақат уларни сифатли қайта ишлашда қолган. Биз мана шу масалалар устида ишлашимиз керак. Бу — катта даромад келтирибгина қолмай, минглаб қишлоқ одамларини иш билан таъминлашга ҳам имкон беради.

**— Исмоил Ҳакимович, биз бу суҳбатда Ўзбекистоннинг олтин, нефть, газ сингари бошқа бойликларига тўхталмадик. Булар алоҳида суҳбат мавзуси бўлади. Аммо, барчани ташвишлантираётган масала — кадрлар масаласига тўхтамасдан ўтиб бўлмайди. Мустақилликни қўлга киритишнинг дастлабки даврида кадрлар масаласида кўп тартибсизликлар юз бергани ҳаммага маълум...**

— Гапингизга қўшиламан. 1985 йилдан 1989 йилгача кўп энг яхши мутахассисларимиз қонунсиз тарзда жиноий жавобгарликка тортилган, қатағон қилинган эди. «Пахта иши» деб аталган жараёнда ҳам жуда кўп ходимларимиздан ажралганмиз. Натижада, ёшларнинг ҳали етилмаганлиги, қатағондан омон қолган эски ходимларнинг янги талабларга мос эмаслиги сабабли орада бироз бўшлиқ ҳосил бўлди. — Бу мустақилликнинг қарор топиши жараёнидаги табиий ҳолдир. Бу муаммо ҳозир тўла ҳал қилиниб бўлди. Энг муҳим бўғин — ўрта бўғиндаги малакали ходимлар шаклланиб етишди. Вақт ўтиши билан улар ҳокимиятнинг юқори поғоналарини ҳам эгаллашади. Бу — Ислом Каримов таъкидлайдиган меъёрий, мантиқий жараёндир.

**— Сўнгги саволим. Сиз билан якшанба оқшомида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Шу ўринда газетхонларни бир ҳол қизиқтириши мумкин: матбуот вакиллари билан учрашишга бошқа вақтингиз йўқмиди ёки иш услубингиз шундайми?**

— Йўқ, иш услубим бундай эмас. Аммо, иш ниҳоятда кўп. Сизга бир сирни очай: Президентимиз одатда сафарга чиққанида самолётдагина дам олади, холос. Бошқа пайтларда жуда қаттиқ ишлайди. Нима қиламиз, ҳозир ҳаёт, вазият шуни тақозо қилмоқда. Байрам куни Мустақиллик майдонига келинг, томоша қилиб, дам оламиз...

# УЛКАН БУРИЛИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

зирлиги «Узгипрозем» мутахассислари томонидан муҳим ўзгартиришлар киритилди. Бунинг қисқача моҳияти қуйидагичадир: аввалги алмашлаб экиш майдонларини ҳар бир хўжаликда сақлаган ҳолда, қисман қисқартирилган ғўза ва бошқа экинлар ўрнига ғалла экилади. Мазкур тавсияларда асосан қисқа тизимли алмашлаб экишлар қабул қилинган.

Шунингдек, бедага ажратилган биринчи дала асосан кузги ғалла учун ажратилиб, август-сентябрда беда кузги ғалла билан қўшиб ёки тоза ҳолда экилиши режалаштирилган. Мисол учун, аввал қабул қилинган 3:7 тизими ўрнига 1 дон: 2 беда: 4 ғўза: 1 дон: 2 ғўза тавсия этилди.

Энди ғўза салмоғи 60, дон 20, беда 20 фоизни ташкил этади. Шундай қилиб, камида 18—20 фоизли дон бўлган алмашлаб экиш тизимига ўтилади. Бундан ташқари, ҳамма минтақаларда бедасиз, 1 дон+2 ғўза алмашлаб экиш тизимлари тавсия этилган бўлиб, дон салмоғи 33 фоизни ташкил этади.Бу тизимларни, айниқса, вилт билан кўп зарарланган, шўрланган, мелиоратив ҳолати ёмон, унумдорлиги паст бўлган далаларда қўллаш тўғри бўлади.

Ғалла экинлари алоҳида мелиоратив ҳолати ёмон бўлган далаларда ҳам жойлаштирилиб, ҳосил олингандан сўнг ёки олдин мелиоратив тадбирлар олиб борилиши зарур.

Юқорида қайд этилган тадбирлар пахта мажмуида 500 минг гектарда (25 фоиз) ғалла экинларини жойлаштириш, қолган ғаллани эса бошқа комплексларда экишни режалаштирган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кузги ғалла етиштириш юқори самарадорлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун унга пухта тайёргарлик кўриш керак. Ҳар бир минтақанинг ўзига хослигини, ҳосилнинг бир вақтда йиғиб териб олинмаганлигини, вақт қисқалигини инобатга олган ҳолда, ғалла экинларини ўсиб турган ғўза орасига экиш усулидан кенг фойдаланиш керак. Бу усул айниқса Фарғона водийсида кенг тарқалган бўлиб, ижобий натижалар бермоқда. Бунинг учун пахта икки маротаба терилгандан сўнг ва ерга тўкилгани ҳам териб олингач, ғўза қатор орасини кенг қамровли культиваторлар билан юмшатиб, уруғ экилади. Бу тадбир асосан 15 октябрь—15 ноябрда ўтказилса яхши натижа беради.

Кузда экилган ғалла октябрь ойи охирларида униб чиқади. Шу даврдаги ҳарорат ва намлик уларни ривожланиши учун етарли, Ўзбекистоннинг асосий вилоятларида ўсимлик қишда тўлиқ туплашга киришилади. Жанубий вилоятларда эса қиши билан ўсиш жараёни тўхтамайди. Ҳосил йиғиб олингандан кейин такрорий экин сифатида ем-хашак, кечки полиз, сабзавот, картошка, дуккакли, парҳез дон, ёрма дон ва бошқа экинлари экилиши шу маҳсулотларга бўлган талабни қондиришда муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги иқтисодий шароитда алмашлаб экишни жорий этишда ўзига хос қийинчиликлар ҳам мавжуд. Булардан энг асосийси хўжаликлардаги ички кескин ўзгаришлар, яъни ажратиб берилган хусусий тармоқлар давлат хўжаликларининг жамоа ёки бошқа тур хўжаликларига айланиши, йирик жамоаларнинг бўлиниши, алмашлаб экиш тизими, лойиҳа ҳужжатларининг ўзгариши, бузилишига олиб келди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай буларни қайта тиклаш, тааллуқли ўзгартишлар киритиш ниҳоятда зарурдир. Шу билан бирга узоғи билан бир ой ичида янги алмашлаб экиш тизимлари асосида 750 минг гектарга ғалла экинларини жойлаштиришни далалар бўйича тўғри амалга оширишдек муҳим вазифа турибди. Бу ишларни «Узгипрозем», вилоят, ноҳия, хўжалик мутахассислари ҳамкорлигида қисқа муддатда амалга ошириш керак.

Уруғ текис униб чиқиши, тўла гектарлар ҳосил қилиниши учун уруғлик сепишдан олдин ва ундан кейин майдонларни суғориш ниҳоятда муҳим. Демак, бу йил кузда ҳар бир хўжалик ариқларида етарли миқдорда сув бўлишига эришмоғимиз лозим. Ўтган йиллари шу даврда сув бўлмай қолганлиги туфайли уруғ ола кўкарган. Бунинг учун ҳозирдан тайёргарлик кўриш лозим. Тезкорлик билан лойиҳа ҳужжатларига тааллуқли ўзгартишлар киритиш ҳар бир экиннинг алмашлаб экиш тизимидаги ўрнини белгилаш, аввалги тизимларга ўзгартишлар қилиш шу куннинг кечиктириб бўлмас юмушларидандир. Кейинги босқичда алмашлаб экиш жорий этилишини назорат остига олиш, уни тўлиқ амалга ошириш асосий вазифа бўлиб қолади.

Ғалланинг алмашлаб экиш мажмуидан муносиб ўрин эгаллаши тупроқ унумдорлигини, экологиясини, мелиоратив ҳолатини яхшилашга, вилт муаммосини бартараф этишга, пахта, ғалла, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишга имкон яратади.

Юқорида баён этилган масалаларни рўёбга чиқиши табиийки бизнинг вазирлигимиз, жойлардаги мутасадди раҳбарлар, олим, инженер-техникларнинг ҳамкорлигига бевосита боғлиқдир.

Шунингдек, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмирлаш» бирлашмаси, Сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг ҳам жонбозлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 750 минг гектар суғориладиган ерларда ғалла экинларини ўз вақтида экиш, парваришлаш ва йиғиб олиш имконини яратади.

# КУЛТЕПА ЎРНИДА ГУЛТЕПА

Янгийўлдаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалиги марказига Тошкентдан автобусда атиги йигирма дақиқали йўл. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган кишининг хонадони ҳам худди ўша ерда — Култепада. Айтишларича, Култепа пасттекисликдан қирқ метр баландликда жойлашган. Аммо уни ўзлаштиришга биронта инсоннинг ҳадди сиғмаган. У ерда заҳарли илон ва чаёнларгина яшаб келган.

Орифхўжа Норхўжаевнинг ёшлиги шу жамоа хўжалигида ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан ўтди. У 1989 йили пенсияга чиқди-ю, ўша пайтдаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдуғаффор Иброҳимовга култепани гултепага айлантириш истагида эканини айтди.

— Қўлингиздан келармикан? — сўради раис. — Жуда оғир иш бу.

Ориф ака мулойимлик билан деди:

— Ахир сизлар турибсизларку!

Иброҳимов қўлини пешонасига айвон қилиб култепага қаради. Идораси олдидаги жаннатдай жойга бамисоли доғ бўлиб турган жой жаннат тепага айланармикин, деган ўй ўтди кўнглидан.

Раис Ориф акага юзланди:

— Сизга нималар керак?

— Битта кўчма яшаш уйи, электр сими, кейин магазинга жажжи трактор келибди, уни сотиб олишга рухсат берсангиз.

Раҳбар Орифхўжа ака сўраган барча нарсани муҳайё қилди. Ҳафтада хабар олиб турди.

Дастлаб култепанинг жарлик жойлари тупроқ билан тўлдирилди. 600 машина тупроқ тўкилди, шунча гўнг келтирилиб солинди. Пастдаги буралиб-буралиб оқаётган сув қирқ метрлик баландликка чиқарилди. Бир километрлик қувурлардан обиҳаёт оқа бошлади.

Бир куни агроном Зокиржон Умаров Ориф акани тўхтатиб, шундай деди:

— Мен дунё кўрган одамман. Жуда кўп мамлакатларда ишладим. Култепада ота-боболаримиз ҳам ҳеч нарса яратишолмаган. Қолаверса, сув сатҳидан қирқ метр баландда, нам етишмайди, меҳнатингизга куйиб қоласиз... Бироқ у гаплардан Ориф ака умидсизланмади, мақсадсари дадил интилди.

Ажойиб инсоннинг култепада яратган боғини Гултепа деб атайдиган бўлишди. Бу ерда олхўри, шафтоли, ўрик, узум, анор, анжир, гилос, хурмо, жийда, бодом, ёнғоқ ва нокларнинг барча турларидан экилган. Улар ҳозир айни ҳосилга кирган.

— Бултур анжир кўчати эккан эдим, — дейди Ориф ака. — Ўша йилнинг ўзидаёқ ҳосил берди. Мазасини татисангиз, оҳ-оҳ-оҳ.

Ориф Норхўжаев боғида яна бир экин бор. У кўчатларнинг ораларига экилган Голландия картошкасидир. Картошкалар хандалакдай келади. Пишириб есангиз томоғингиздан сарёғдек ўтади, бебаҳо.

Хуллас, Ориф ака Гултепани яратгунча тинмади. Оила аъзолари ёнида турришди. Рафиқаси Шарофат опа, келинлари Дилором, Ҳалима, ўғиллари Камол, Шариф, Олим, жияни Аҳмаджон ҳатто невара-чевараларигача астойдил меҳнат қилишди.

**М. САТТОРОВ.**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

**● Сирдарё пахтачилик саноати бирлашмасининг меҳнатчилари мустақиллик куни байрами шарафига бир сменада текин ишлаб бердилар. Бу тадбирда етти мингга яқин одам иштирок этди. Сменада ишлаб топилган 35 миллион сўм пул «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасига ўтказилди.**

**● Боёвут туманида оиласи билан ишлаётган фермер Холбўта Холжигитов болалар боғчасига текин сут ва гўшт етказиб бермоқда. Фермер банкдан олган қарзини тез узди, эндиликда нақд фойда олмоқда. Шу боисдан оталиқдаги болалар боғчасига ёрдам бериш имконияти пайдо бўлди. Бу йил фермада 20 тоннадан кўпроқ сут ва икки тоннадан зиёдроқ гўшт етиштириш мўлжалланмоқда.**

**● Андижон гўшт комбинати ходимлари колбаса сифатини яхшиладилар. Бунга колбаса тайёрлашда мол ичагидан фойдаланиш йўли билан эришилди. Олдин корхона бунинг учун Санкт-Петербургдан сунъий ичак олар эди. Лекин алоқалар узилиб қолгач, ички резервларни ишга солишга тўғри келди. Изланиш ўз самарасини берди. Республикадаги кўпгина турдош корхоналар андижонликлардан ибрат олиб, маҳаллий имкониятлардан фойдалана бошлашди.**

**● Наманган туманидаги Тошбулоқ қишлоғида барпо этилган Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ипакдан сержило гилам ишлаб чиқара бошлади. Ҳар бир гиламнинг гули бошқача. Шунингдек, кичик ипак гиламлар ҳам тўқилмоқда. Корхонада 250 нафардан ортиқ одам ишлайди, уларнинг кўпи Туркияда икки ой ишлаб, тажриба орттириб келган. Корхонада хомашё муаммоси йўқ. Ортиқча пилла вилоятдаги деярли ҳар бир хўжаликда топилади.**

**Гиламдўзлар тайёрланган дастлабки маҳсулотни республика мустақиллиги байрамига туҳфа қилдилар...**

**● Қува тумани матлубот жамиятининг қандолатчилик фабрикасида нон талқони цехи ишга тушди. Бу ерда тайёрланган дастлабки 10 тонна маҳсулот болалар боғчалари ва шифохоналарга юборилди. Яқин кунларда цехда соатига бир тонна маҳсулот чиқарила бошлайди.**

# ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ

**(Мухбиримиз Воси Носиров телефон орқали хабар қилади). Бухоро вилоятининг азамат пахтакорлари ҳосилга ҳосил қўшиш ойининг ғанимат кунларидан унумли фойдаланишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Аксарият жамоаларда ғўза парваришида сафарбарлик таъминланган. Агротехник тадбирлар бир-бирига боғлаб сифатли ўтказиляпти. Заршуносларнинг нияти ўтган йилги муваффақиятни яна такрорлаб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг икки йиллиги нишонланадиган унутилмас йилда ҳар қачонгидан кўп баракали хирмон кўтаришдир. Ўзаро меҳнат беллашувида Ғиждувон, Шофиркон, Жондор районларининг деҳқонлари намуна бўлишяпти.**

**Вилоят хўжаликлари далаларида бўлган фарғоналик мусобақадошларнинг ўзаро текширув гуруҳи аъзолари фидокорлар омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлаётганларини алоҳида таъкидлашди. Ғиждувон туманидаги Абдухолиқ Ғиждувоний, Вобкентдаги Инъом Наимов номли, Шофиркондаги Охунбобоев номли, Жондордаги «Гулистон» жамоа хўжаликлари далаларида мўл ҳосил яратилаётганлиги, илғорлар тажрибаси оммалаштиришга лойиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Ўз ишининг усталари бу йилги об-ҳаво инжиқликлари туфайли юзага келган қийинчиликларни мардона енгдилар. Маҳаллий ўғитга, тунги суғоришга алоҳида эътибор берилди. Сувчилар, механизаторлар энг қийин дамларда кечаю кундуз тиним билишмади. Меҳнат фахрийлари, тажрибакорлар ҳам табиий офат жиддий зиён етказган бригадаларнинг далаларида бўлиб, беминнат ёрдам кўрсатдилар. Ҳамжиҳатлик, ҳар бир тадбирнинг сифатли амалга оширилиши туфайли ташвишли ҳол бартараф этилди. Фидойи меҳнат шиғил кўсакларда ўз аксини топмоқда.**

**Ўз навбатида фарғоналик мусобақадошлар баъзи камчиликларни тугатиш, муаммоларни ҳал этиш, йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўриш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар.**

# ХАРИДОР ДАЛАГА БОРАЯПТИ



**Айни паллада соҳибкорлар учун энг масъулиятли дамлар бошланди. Боғларда бол томиб турибди. Ҳил-ҳил пишган сархил мевалар, ширин-шакар полиз маҳсулотлари пешма-пеш меҳнаткашлар дастурхонига етказиб берилмоқда.**

**Кооператив тайёрлов савдо идоралари ходимлари эса жамоа ва давлат хўжаликлари ва шахсий хўжаликларда етиштирилган истеъмолдан ортиқча мева-сабзавотларни қабул қилиш, сақлаш ва аҳолига сотиш ишлари билан банд. Биргина Фарғона вилояти кооператив тайёрлов, сақлаш ва савдо бирлашмаси томонидан шу кунгача шахсий хўжаликларда етиштирилган 13 минг тонна мева, 41 минг тонна сабзавот, 341 тонна узум ва 1100 тонна полиз маҳсулотлари қабул қилиниб аҳолига сотилди. Биз бирлашма раҳбари Маъмуржон Абдураҳмоновдан аҳоли дастурхони ноз-неъматга тўкин бўлиши учун қандай хайрли ишлар амалга оширилаётганлиги ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдик.**

— Бирлашма ташкил этилганлигига кўп вақт бўлгани йўқ, — деди Маъмуржон ака. — Илгари кооператив тайёрлов савдо идораларининг барчаси матлубот жамиятлари ихтиёрида эди. Бундан икки йил муқаддам республика кооператив тайёрлов савдо бирлашмаси — «Ўзкоопзаготторг» тузилгач, вилоятларда ҳам бирлашмалар ташкил қилиниб, ягона тизимга бириктирилди.

Янгиликнинг афзаллиги тез кўринди. Сабаби илгари маҳсулотнинг қиймати харидорни қониқтирмасди. Мевалар пештахталарда туриб қолиб сифатини йўқотса ҳам нархи туширилмасди. Кооператив тайёрлов ташкилотлари матлубот жамиятлари тасаррруфидан чиқарилгач, иш тубдан ўзгарди. Дўконларга сифатли маҳсулот чиқарилиб, арзон нархларда сотила бошланди. Бу ўз навбатида бозор нархининг сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлмоқда.

Илгари кооператив тайёрлов савдо ходимлари олма пиш оғзимга туш қабилида иш тутишиб мижозлар қачон маҳсулот олиб келишар экан деб қараб ўтиришарди. Энди бунга чек қўйилди. Ҳозир ходимларимизнинг ўзлари уйма-уй, хўжаликма-хўжалик юришиб, қаерда истеъмолдан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бор бўлса, келишилган баҳода сотиб олишмоқда. Шу билан бирга келгуси йил учун ҳам шартнома тузилаётир. Шахсий томорқаларда етиштирилган маҳсулотларнинг барча тури чекланмаган миқдорда қабул қилиб олинади. Иш шу даражада ташкил этилдики, маҳсулот етиштирган деҳқон ўзи йиғиб-териб ўтирмайди. Ўлов масаласида ҳам бош қотиришга ҳожат йўқ. Соҳибкор фақат ҳосилнинг пулини санаб олади, холос. Маҳсулотни йиғиб олиш, жойлаштириш, сотиш ва сақлаш бизнинг зиммамизда. Ана шу қулайлик туфайли минглаб шахсий хўжаликлар тайёрлов идоралари билан шартнома тузишди. Келгуси йил ҳосили устидан баъзи шахсий томорқа эгаларига қарз бераяпмиз. Бу эса ўз навбатида ишимизни ривожланишида ва маҳсулотларни кўпайтиришда ижобий самара бермоқда. Шу йилги ёз мавсумининг ўзида мева-сабзавот тайёрлаш ва сотиш йиллик режасини ортиғи билан бажардик. Бир ярим миллиард сўмдан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди.

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ҳар ким қўлидан келган ишни қилсин. Қўлидан иш келмайдиган киши жойни банд қилмасин» деган сўзлари ҳаққонийдир. Биз ишда ўзгариш қила олмаган, имконият даражасида фаолият кўрсатолмаган нўноқ ходимларни ёш, серғайрат ишнинг кўзини биладиган ва халқни ўйлайдиган ишбилармон кадрлар билан алмаштирдик. Ишимизни ривожлантиришда, қишин-ёзин меҳнаткашлар дастурхонини мева билан мунтазам таъминлаб бориш хусусида кимдан қандай фойдали таклиф тушса, дарҳол амалда қўлламоқдамиз. Юқоридан кўрсатма ёки буйруқ кутиб ўтирадиган замонлар ўтиб кетди. Амалий иш қилиш даври келди.

Кўпроқ маҳсулот айирбошлаш (бартер) йўли билан турли қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмоли моллари олиб келинмоқда. Ярим йилнинг ўзида ҳамдўстлик давлатларидан 1 миллиард сўмдан зиёд халқ истеъмоли моллари олиб келинди. Қурилиш материаллари янги бозорлар қурилишига, уларни кенгайтиришга ишлатилмоқда. Ойнаи жаҳон, совутгич, чангютгич каби рўзғорда ишлатиладиган молларни тайёрлов идораси билан мунтазам шартнома тузиб, сифатли маҳсулот топшириб келаётган шахсий хўжалик эгаларига имтиёзли нархда сотмоқдамиз.

**— Вилоят туманларида тайёрлов ишлари қандай бормоқда?**

— Охунбобоев, Олтиариқ, Бағдод, Бувайда, Учкўприк, Тошлоқ тумани тайёрлов савдо идоралари аллақачон ҳўл мева тайёрлаш ва сотиш режасини бажаришди. Бешариқ, Ўзбекистон, Данғара ва Риштон туманлари сабзавот тайёрлаш режасини ортиғи билан адо этдилар. Тайёрлов ходимларимиздан Абдусалом Сотволдиев, Олимбой Тожиев, Сулаймон Эргашев, Саидумар Маматхонов, Абдулазиз Баратовлар фидойилик кўрсатиб ишламоқдалар. Ўрни келганда айтиб ўтиш керак, биз олтита туманда бир мавсумда 10 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарувчи консерва цехлари қурдик. Ҳозир бу цехлар тўла қувват билан ишлаб турибди. Тошкентдаги «Алгоритм» заводи билан ўзаро шартнома асосида соатига 55 килограммгача мева қурита оладиган 60 та агрегат сотиб олдик. Бу қурилмалар ёрдамида ҳозирнинг ўзида 3 минг тонна мева қуритиб олишга муваффақ бўлинди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Иккаламчи хом ашёлар; тери, жун ва ичакни аҳолидан келишилган нархда сотиб олишни кучайтирганмиз. Тери ва ичакни ҳамдўстлик мамлакатларига сотиш ёки маҳсулот айирбошлаш тўхтагани йўқ. Бироқ, жун масаласи қийнаб турибди. Сабаби, тайёрланган жун дағал бўлганлигидан харидор талаби оз. Бирдан-бир йўл биз ўзимизда жунни қайта ишлаш корхоналари очишимиз керак. Ҳозир вилоятимизда жунни қайта ишлайдиган корхона йўқ. Лекин, яқин кунларда бундай цехни қурамиз.

Консерва заводлари ва мева қуритиш цехлари асбоб ускуналарини олиб келиб қўйганмиз. Янги йилгача Бағдод ва Риштон туманларида йилига 300 минг тоннагача пиёз, сабзи ва бошқа сабзавотларни қуритиш заводлари ишга туширилади. Биз фақат тайёрлабгина қолмай, балки тайёр маҳсулот ҳам ишлаб чиқараяпмиз.

Олтиариқда сувсар терисидан телпак тикилаяпти. Бу цех йилига 10 минг дона телпак тикиб чиқара олади. 4 та ёғ ишлаб чиқарадиган, 2 та ерёнғоқни қайта ишловчи, 2 та бўёқ ишлаб чиқарадиган ва 2 та пойабзал тикадиган цехлар туманларда қурилаяпти.

Тайёрлов йўли билан ҳозирги шароитда бозордан мол сотиб олиб, аҳолини гўшт билан таъминлаш қийин бўлиб қолди. Барча туман кооператив тайёрлов ва савдо идоралари ихтиёрида бўрдоқичилик базалари очишни режалаштирдик. Ҳозирнинг ўзида ушбу масала юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди. Тармоқ бўйича бир ярим мингга яқин қорамол, шунча қўй, 400 та чўчқа ва икки мингта сувсар боқилаяпти. Лекин бу билан чекланиб қолмасдан келажакда улар сонини кўпайтирамиз. Жойларда ер масаласи ҳал қилинди. Энди катта-катта фермалар қурилади.

**— Сиз, юқорида келтирилаётган қурилиш материаллари янги бозорлар қуришга ва кенгайтиришга ишлатилаяпти деб айтдингиз...**

— Гапингизни тушундим. Сўзимнинг исботи учун яқинда қурилган Марғилон — Охунбобоев янги марказий бозорини оламиз. Бу бозорнинг сатҳи 10 гектар. Қурилиш ишларига 500 миллион сўм маблағ сарфланди. Бозор бор йўғи бир ярим ойда қуриб битказилди. Яна 14 туманда янги бозор қурилмоқда. Барча бозорлар қошида харид савдо идоралари ишлаб турибди.

Қиш фасли учун мева-сабзавот тайёрлаш ва сақлаш ишларига сентябрь ойининг ярмидан киришамиз. Вилоят аҳолисини қишин-ёзин сархил мева ва сабзавот билан таъминлаш мақсадида сақлагичларимизга 30 минг тонна сабзавот, 5 минг тонна мева, 2 минг тонна узум, 20 минг тонна картошка, 2,5 минг тонна полиз маҳсулотлари қўямиз.




Суҳбатдош:

**Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Вилоят кооператив тайёрлов, савдо бирлашмаси бошқаруви раиси Маъмуржон АБДУРАҲМОНОВ; 2. Бирлашма ҳисобидан қурилган Марғилон-Охунбобоев янги марказий бозорининг кўриниши.**

Муаллиф олган суратлар.

